

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ



Жиззах-2019 йил



ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАК раиси

Дир. К. Ҳўлоқов  
"29" 06 2019 йил

М ва С каф. мудир

М Б.Н. Кўзиев  
"29" 06 2019 йил

ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ

Мавзу:

Ишлаб чиқариш корхоналарида сират  
технологияси таълимий жорий қилиш

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ (ЛОЙИХАСИ)НИНГ ТАРКИБИ

Тушунтириш қисми 66 бет  
График қисми 4 варақ

Талаба:

Мардонов Ш.

Диплом иши (лойихаси) раҳбари:

Матякубова П.М.

ҚИСМЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:

1. БМИнинг назарий бўлими..... Дир Матякубова П.М.
2. БМИнинг амалий бўлими..... Дир Матякубова П.М.
3. Иқтисодий қисми..... Дир Саудахмедова Н.
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги..... Дир Тиркашева М.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. Икромов Д. Дир
2. Матякубова П.М. Дир

ЖИЗЗАХ-2019 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ВА РАДИОЭЛЕКТРОНИКА”  
ФАКУЛЬТЕТИ  
“МЕТРОЛОГИЯ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШ” КАФЕДРАСИ

ТАСДИҚЛАЙМАН

“Метрология ва стандартлаштириш”  
кафедраси мудири Б.Н.Кўзиёв Б.Н.Кўзиёв  
“14” январь 2019 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ (ЛОЙИХАСИ) БЎЙИЧА

ТОПШИРИК

Талаба : Мардонов Ш.

1. Битирув малакавий иши (лойихаси)нинг мавзуси :

Ширинлик  
корхоналарига сифат менежментини таъминлаш жориё қилиши  
Битирув малакавий иши (лойихаси) мавзуси институт ректорининг  
“27” декабрь 2018 йилдаги 503-Т сонли буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН.

2. БМИ (лойихаси)ни топшириш муддати. “20” июнь 2019 йил.

3. Битирув малакавий иши (лойихаси)ни бажаришга доир маълумотлар:  
назарий ва амалий ишларни бажариш учун меърий хужжатлар, ўқув  
қўлланмалари ва битирув олди амалиётида тўпланган маълумотлар:

БМИ га оид ўқув адабиётлари  
Президент қонунлари Интернет  
маълумотлари БМИ олди амалиётлари маълумотлари.

4. БМИ (лойихаси) тушунтириш қисмининг таркиби:

- Кириш бўлими
- БМИ назарий бўлими
- БМИ амалий бўлими
- БМИ иқтисодий бўлими
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати



Изоҳ: битирув малакавий иши тузғунтириш ёзувининг ҳажми камида 10-15 минг сўздан иборат бўлиш шарт.

5. Битирув малакавий иши (лойиҳаси)нинг график ёки жадвал қисми таркиби:

Изоҳ: битирув малакавий иши график қисми 5-6 варақдан иборат бўлиш шарт.

6. Битирув малакавий иши (лойиҳаси) бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Топширик берилганлиги ва хақида белги (имзо, сана)	Топширикни бажарилганлиги ва хақида белги (имзо, сана)
1.	Кириш бўлими	Маммакулова П.М.	14.01.19	31.01.19
2.	БМИ назарий бўлими	Маммакулова П.М.	1.02.19	23.02.19
3.	БМИ амалий бўлими	Маммакулова П.М.	26.02.19	30.03.19
4.	БМИ иқтисодий бўлими	Саидхатидова И.	8.04.19	27.04.19
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	Турканиева М.	6.05.19	18.05.19

7. Битирув малакавий иши (лойиҳаси)нинг бажарилиш режаси:

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати (сана)	Текширувдан ўтганлик белгиси (имзо)
1.	Кириш бўлими	14.01.19 - 31.01.19	
2.	БМИ назарий бўлими	1.02.19 - 23.02.19	
3.	БМИ амалий бўлими	26.02.19 - 30.03.19	
4.	БМИ иқтисодий бўлими	8.04.19 - 27.04.19	
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	6.05.19 - 18.05.19	

БМИ (лойиҳаси) раҳбари:

*Маммакулова*

Маммакулова П.М.

(фамилияси, исми шарифи) (имзо)

Топширикни бажаришга олдим:

*Мардоқов*

Мардоқов И.

(талабанинг фамилияси, исми шарифи) (имзо)

Топширик берилган сана:

“ 12 ”

апрель 2019 йил



ЎЗБЕКИСТОН ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ВА РАДИОЭЛЕКТРОНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

131-15 МС ва МСМ гуруҳи талабаси Мардонов Шохруҳбекнинг  
Ўшдаги "Ўшқарини" корхоналарида сифат  
менеджменти тизимини жорий қилиш  
мавзусидаги битирув малакавий ишига

### ТАҚРИЗ

Талаба Мардонов Шохруҳбек нинг битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги 225-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар" асосида бажарилган. Талаба битирув малакавий ишини бажариш жараёнида институтда яратилган шароитдан, институтнинг моддий техника базасидан фойдаланди.

Битирув малакавий ишни Давлат аттестация комиссиясида химога тавсия этаман.

Декан:



О.Тўракулов

(Ф.И.Ш.)



**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**  
**ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ВА РАДИОЭЛЕКТРОНИКА**  
**ФАКУЛЬТЕТИ**

“Метрология ва стандартлаштириш” кафедраси битирувчиси 131-15 гурухи талабаси Мардонов Шохрихбек нинг битирув малакавий иши (лойихаси) га рахбарининг

**ТАҚРИЗИ**

БМИ (лойихаси)нинг мавзуси:

Ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий қилиш

1. БМИ (лойихаси)нинг ютуқ ва камчиликлари БМИ мавзусини

Ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий қилишдан иборат

2. БМИ (лойиха)га қўйилган баҳо:

БМИ нинг бажарилиши  
Кафедра томонидан таъсидланган курсатма талаблари асосида бажаришган

3. БМИ (лойиха)ни бажарувчига баҳо: БМИ бажарувчилардан томонидан оқибатлардан во мотиотлардан тўғри фойдаланишдан баҳолаш  
Ҳақиқатдан

4. Умумий хулоса (БМИнинг таъсирлиққа мослиги, қўйилган талабларга жавоб бериши, ҳимоя қилиш имконияти):

БМИ бажарилиши мавзуга мос таъсирлиқдан  
БМИ талаб даражасида бажаришган  
БМИ бажарувчи ҳимоя қилиш мумкин  
деб ҳисоблайман.

БМИ (лойихаси)нинг рахбари

Математова Л.М.

(Илово)

## **БМИга аннотация**

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон учун ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни рағбатлантириш — нафақат эркин айирбошланадиган валюта даромадлари ўсишининг муҳим манбаи ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувимизнинг кафолати бўлибгина қолмасдан, балки иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган вазифалардан ҳисобланади.

Сифат менежменти тизимини яратиш учун ташкилотнинг стратегик қарори зарур. Ташкилотнинг сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ўзгарадиган эҳтиёжлар, аниқ мақсадлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, қўлланилаётган технологик жараёнлар, ташкилотнинг катталиги ва тўзилиши таъсир қилади. Сифат менежменти тизимларига қўйиладиган талаблар, маҳсулотга қўйиладиган талабларга нисбатдан қўшимча ҳисобланади.

Сифат менежменти тизимини ҳужжатлаштиришда зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича гуруҳ тузилгандан сўнг, бошланғич ўқиш ўтказиш лозим. Бунда ҳар бир ходимни ҳужжатларни ишлаб чиқишга ўқитиш муҳим эмас, балки биринчи навбатда ҳужжатлаштирилиши керак бўлган жараён бўйича гуруҳ аъзоларини билимини ошириш зарур.

**Ишнинг мақсади.** Маҳсулотнинг сифатини баҳолашнинг асосий мақсадлари:

- янги маҳсулот турларининг хусусиятларини асослаш;
- маҳсулотни ва унга тегишли стандартларни ишлаб чиқишда техник топшириқлар тайёрлаш ҳамда янги маҳсулот учун, унинг техникавий даражаси карталарини тузиш;
- ишлаб чиқарилувчи маҳсулотнинг синов натижаларига қараб қарор қабул қилиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қабул назорати натижалари бўйича қарор қабул қилиш, маҳсулотни таъмирлаш бўйича қарор қабул қилиш.

## МУНДАРИЖА

<b>Т/с</b>	<b>БМИга аннотатция</b>	<b>Бет</b>
	<b>КИРИШ</b>	<b>3</b>
<b>I Боб.</b>	<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ</b>	<b>5</b>
<b>1.1.</b>	Сифат менежменти тизими бўйича халқаро стандартлар ва уларнинг моҳияти	<b>5</b>
<b>1.2.</b>	Ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий қилиш босқичлари	<b>9</b>
<b>1.3.</b>	Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш тартиби	<b>16</b>
<b>II Боб.</b>	<b>СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ НАТИЖАВИЙЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ</b>	<b>21</b>
<b>2.1.</b>	Сифат менежменти тизими жорий қилинганидан сўнг олинадиган фойдалар	<b>21</b>
<b>2.2.</b>	Сифат менежменти тизими жараёнларини аниқлаш усуллари	<b>29</b>
<b>2.3.</b>	Ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимининг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлаш	<b>31</b>
<b>III Боб.</b>	<b>ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ</b>	<b>41</b>
<b>IV Боб.</b>	<b>ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ</b>	<b>59</b>
	<b>ХУЛОСА</b>	<b>65</b>
	<b>ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР</b>	<b>66</b>



## КИРИШ

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналаридаги мавжуд бошқариш тизимини жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда қайтадан кўриб чиқиш ва янги усулларни жорий қилишни тақозо этмоқда. Корхоналарда самарали сифатни бошқариш тизими жараёнларни чуқурроқ таҳлил қилишга имконият яратиб, бозор талабларига мос равишда ривожланишга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ривожланган давлатларда ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларнинг таҳлили, улар асосан корхоналарда сифатни бошқариш тизимлари масаласига эътиборнинг кучлилиги натижасида келиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда.

Сифат менежменти тизимини яратиш учун ташкилотнинг стратегик қарори зарур. Ташкилотнинг сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ўзгарадиган эҳтиёжлар, аниқ мақсадлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, қўлланилаётган технологик жараёнлар, ташкилотнинг катталиги ва тўзилиши таъсир қилади. Сифат менежменти тизимларига қўйиладиган талаблар, маҳсулотга қўйиладиган талабларга нисбатдан қўшимча ҳисобланади.

Ташкилот муваффақиятли ишлаб туриши учун фаолиятнинг кўп сонли ўзаро боғланган фаолият турларининг менежментини белгилаши ва амалга ошириши керак. Ресурслардан фойдаланувчи ва киришларни чиқишларга қайта ўзгартириш мақсадида бошқариладиган фаолият жараён сифатида кўрилиши мумкин.

Жараёнлар тизимини ташкилотда қўлланилиши уларни белгилаш ва улар орасидаги ўзаро алоқани таъминлаш билан бирга жараёнли ёндошишни амалга ошириш сифатида ҳам қараш мумкин.

Ёндошишни жараён сифатида куришни афзаллиги шундан иборатки, у тизимнинг алоҳида жараёнлари орасидаги ўзаро боғлиқликлари, уларнинг бирлиги ва ўзаро харакатини мунтазам бошқаришни таъминлайди.

Сифатни бошқариш (менежменти) тизимларининг жорий қилинганлиги

давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот харид қилишда, инвестиция киритишда, кредит беришда ва тендерларда асосий талаб бўлиб қолмоқда.

Тизимни қўлламаган корхоналарнинг халқаро операцияларда иштирок этиши, ёхуд бозорда ўз ўрнини топиши мавҳумлиги табиий бўлиб қолмоқда.

Буларни инобатга олиб, республикамиз корхоналарида сифатни бошқариш тизимларини жаҳонда эътироф этилган тизимларга уйғунлашувини таъминлаш рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг энг мақбул йўли сифатида танланиши лозим.

Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг 2000 йилдаги «Мингйиллик» конференциясида қабул қилинган қароридан XXI-аср «сифат асри» деб белгиланиб, ISO 9000 туркумли стандартларни жорий қилиш жаҳон эволюциясининг сифатга ривожлантирувчи кучи сифатида тавсия этилди.

Таҳлиллар натижалари мамлакатимизнинг айрим соҳалари ва республика миқёсида фаолият олиб боровчи корхоналарида сифатни бошқариш тизимларининг етарли даражада қўлланмаганлиги миллий иқтисодийнинг ривожланиш даражасига салбий таъсир қилувчи омил бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Сифат том маънода фақатгина маҳсулот ёки хизмат сифати бўлибгина қолмай, балки корхона нуфузи, келажаги, унга бўлган ишончни шакллантирувчи омил бўлиб бормоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, корхоналарда жаҳон андозаларига мос келувчи сифатни бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш орқали экспорт салоҳиятимизни ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ишнинг мақсади - корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишида ва бошқаруви тизимини такомиллаштиришда халқаро стандартларининг тутган ўрнини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.



# **I-БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ**

## **1.1. Сифат менежменти тизими бўйича халқаро стандартлар ва уларнинг МОҲИЯТИ**

Ўзбекистон учун ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни рағбатлантириш — нафақат эркин айирбошланадиган валюта даромадлари ўсишининг муҳим манбаи ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувимизнинг кафолати бўлибгина қолмасдан, балки иқтисодий ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиётда таркибий ислохотларни чуқурлаштириш каби энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган вазифалардан ҳисобланади [1].

Бироқ, мамлакатнинг ташқи иқтисодий имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга, товарларимизнинг дунё бозорига чиқишига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Бундай муаммолардан бири – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналаримизда халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимларининг кенг жорий қилинмаганлигидир.

Бунга далил қилиб қуйидагини келтириш мумкин: 2006 йилнинг якунига келиб дунёда жами 200 мингдан зиёд сифатни бошқариш тизимларига сертификатлар олган корхоналар бўлсада, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 128 тани (0,06%) ташкил этади (1-жадвал, 1-расм).

Охирги уч йил мобайнида ISO стандартларига мувофиқлик сертификатларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда аҳамиятига эътибор берган давлатлар корхоналари зўр бериб сертификатга эга бўлишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бунинг яққол намунаси бўлиб Хитой, Австралия, Францияни олиш мумкин.

Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги шароитларида, бозорда фақат бозор талаб қилган, бозорда маълум қийматга эга бўлган маҳсулотни етказиб берувчи

корхоналаргина муваффақиятга эришиши мумкин.

Замонавий иқтисодий жараёнлар корхоналар раҳбарлари эътиборини алоҳида ишчилар ёки жараёнлар самарадорлигига эмас, балки корхонани ялпи бошқаришнинг янги ва мақбул йўллариини излашга ҳамда менежмент тизимини мукаммаллаштиришга ундамоқда.

1-жадвал


**Йирик давлатлардаги корхоналарга халқаро стандартларга мувофиқлиги**

Йиллар / Давлат номи	1995	2000	2006
Хитой	7478	59456	136258
Италия	7749	30246	84485
Германия	6547	28171	56811
Буюк Британия	7559	18012	48301
Франция	2789	15921	33529
АҚШ	2983	13954	29584
Япония	7251	14250	28813
Испания	5436	7596	27872
Австралия	3549	16015	21024
Швеция	4189	6012	17897
Хиндистон	10251	4250	12558
Жанубий Корея	1256	2859	12456
Россия	314	962	3816
Украина	181	308	934
Ўзбекистон	5	26	75
Бошқа давлатлар	6785	26652	84569
Дунёдаги жами	76317	246690	600988



## Тўғрисида берилган сертификатлар сони (дона)

Манба: <http://www.gost.ru> Интернет сайтидаги маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.



### 1-расм. Ривожланаётган давлатларда ISO 9000 бўйича сертификатлаштирилган компанияларни фоизларда нисбати

**ISO 9000 серияли стандартлар** – сифат менежменти тизимини яратиш бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади.

Булардан **ISO 9001:2008 «Сифат менежменти тизими. Талаблар»** бу туркумнинг энг асосий стандартидир[5].

ISO 9000 стандартига кўра **сифатни бошқариш тизимлари** – ташкилот ёки корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсати ва мақсадларини, шунингдек бу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган йўналишларни белгилаган ҳолда, тадбирлар ишлаб чиқиш, етарли даражада ресурслар билан таъминланиши ва раҳбарлик қилиш учун бошқариш тизимидир. Умуман олганда, сифатни бошқариш тизими – маҳсулот ёки хизматлар якуний натижасининг сифатли бўлишини таъминлашга йўналган ҳолда корхонанинг барча ишлаб чиқариш фаолиятини ўрнатилган тартиб ва талаблар асосида мунтазам бошқаришдир. Бу, энг аввалом бор, корхона ичида ходимларни ишлаши ва ўзаро алоқалари бўйича зарур ҳажмда хужжатлаштириладиган (услубий қўлланмалар,

процедуралар, корхона йўриқномалари ва ҳ.к. кўринишда) ва чуқур ўйланган тартиб ва қоидалар йиғиндисидир.

Ташкилот ёки корхонада ISO 9000 серияли халқаро сифат стандартлари асосидаги СБТ жорий қилиш қуйидагиларга имкон яратади:

- корхонани мақсадлари, бошқариш воситалари ва усуллари сифатга йўналтириш;
- маъмурий бошқариш самарадорлиги;
- ишлаб чиқариш давомийлигини қисқартириш;
- корхона бўлинмалари орасида ўзаро алоқани яхшилаш;
- номувофиқликларни олдини олишга эътиборни қаратиш;
- харажатларни камайтириш;
- маҳсулот таннархини камайтириш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- маҳсулот (хизмат) лар сифати ва рақобатбардошлигини доимий ошириш;
- ташкилот обрў-эътиборини ошириш;
- таъминотчиларни танлаш, баҳолаш ва назорат қилиш;
- ўзгараётган бозор шароитларига тезкор ва самарали ёндошиш;
- истеъмолчилар учун доимий ишончлилик кафолатини таъминлаш;
- истеъмолчиларни қаноатланиш даражасини доимо таҳлил қилиш ва ошириш.

**ISO 14000** – экологик менеджмент тизимини яратиш бўйича халқаро стандартлар туркуми бўлиб ҳисобланади.

Кейинги йилларда бутун дунёда атроф-муҳит экологиясини самарали бошқариш (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) корхоналар сифатни бошқариш тизими билан бевосита боғланган асосий вазифаларини ҳал қилишда муҳим ўрин тутмоқда ва корхонани умумий бошқариш тизимининг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда [28].

ISO 14000 стандартлари бўйича экологик менеджмент тизими қуйидагиларни таъминлайди:



- корхонани бошқариш тизимларини оптималлаштириш ва атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарли таъсирлар олдини олиш;
- экологик бошқарувни самарали жорий қилиш ҳисобига энергетик ресурсларни иқтисод қилиш;
- ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш;
- атроф-муҳитга салбий таъсирни минималлаштириш;
- энергия ва материалларни тежаш;
- ишлаб чиқариш чиқиндиларини бошқариш билан боғлиқ харажатларни камайтириш;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни самаралироқ бажариш;
- экологиянинг бузилиши билан боғлиқ бўладиган ортиқча сарф-харажатларни камайтириш;

ISO 14000 стандартларига мувофиқлик сертификати экология соҳасидаги қоида ва меъёрларга риоя қилинишини расмий тасдиғи ҳисобланади ва:

- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бажариш бўйича ташкилот мавқеини шакллантириш;
- корхонани ташқи бозорларга чиқиши;
- экологик тоза маҳсулотлар бозорида рақобатчилар орасида устуворликка эришиш;
- юқори малакали ишчи кучини жалб қилиш учун зарур.

## **1.2. Ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий қилиш босқичлари**

ISO 8402 “Сифатни бошқариш тизимлари. Луғат” халқаро стандартида «маҳсулот» қуйидагича таърифланган - "Маҳсулот - фаолият ёки жараён натижасидир" [28].

Маҳсулот моддийлаштирилган (қисм, буюм) ёки моддийлаштирилмаган (ахборот, хизмат) ёки уларнинг ўзаро уйғунлашган бирикмаси бўлиши мумкин. Маҳсулотнинг яратилишида, сотилишида, ёки истеъмолида (ишлатилишида)

яъни “хаёти даврида” намоён бўладиган хусусиятлари унинг хоссаларидир.

“Маҳсулотнинг сифати” - унинг вазифасига биноан муайян эҳтиёжларни қондиришга яроқлилигини белгилайдиган хоссалар мажмуасидир. Маҳсулотнинг сифати, уни ташкил этувчи қисмларнинг сифати мажмуасидан ташкил топади.

“Маҳсулот сифатининг кўрсаткичи” деб, маҳсулот сифатига кирувчи хоссасининг миқдорий тавсифига айтилади.

Сифат кўрсаткичлари қуйидаги асосий талабларга жавоб беришлари лозим: улар турғун бўлиши керак; маҳсулотнинг самараси бўлиши керак; фан ва техника ютуқлари инобатга олинган бўлиши керак; муайян вазифасига кўра маълум эҳтиёжларни қондиришга лаёқатли бўлиши керак.

“Маҳсулотнинг хавфсизлиги” - унинг мураккаб хоссаси бўлиб, инсон, унинг мулки, табиат ва атроф-муҳит учун зарарсиз таъсир этиш миқдорини белгилайдиган кўрсаткичларидир [11].

Маҳсулотнинг муайян эҳтиёжга мос келиш даражаси ва эҳтиёжни қониқтиришдаги ҳаражатлар бўйича рақобатдаги маҳсулотлардан ажралиб туришини ифодаловчи тавсифи унинг “рақобатбардошлиги” деб аталади.

Маҳсулотнинг белгиланган сифат кўрсаткичларини танлаш, бу кўрсаткичларининг қийматларини аниқлаш ва уларни бошқа маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари қийматлари билан таққослашни ўз ичига олувчи фаолият “маҳсулот сифатининг даражасини баҳолаш” деб аталади.

Маҳсулотнинг сифатини баҳолашнинг асосий мақсадлари:

- янги маҳсулот турларининг хусусиятларини асослаш;
- маҳсулотни ва унга тегишли стандартларни ишлаб чиқишда техник топшириқлар тайёрлаш ҳамда янги маҳсулот учун, унинг техникавий даражаси карталарини тузиш;
- ишлаб чиқарилувчи маҳсулотнинг синов натижаларига қараб қарор қабул қилиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қабул назорати натижалари бўйича қарор




қабул қилиш;

- маҳсулотни таъмирлаш бўйича қарор қабул қилиш;
- маҳсулотни бозорда етарлича қадрланишига ва арзийдиган баҳода сотилишига замин яратиш [11].

Сифатни бошқариш тизимларини жорий қилишда амаллар қайтарилиучи цикл кўринишидагина эффект бериши мумкинлиги тўғрисидаги концепция Уолтер Шехарт (1885 йилда туғилган) томонидан 1920 йилларда таклиф қилинган ва PDCA (Plan-Do-Check-Act) «Режалаштир - амалга ошир – текшир – тузатиш амалини бажар» кўринишида бўлган (2-расм):

Жараёнларни яхшилаш борасида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни режалаштириш; тузилган чора-тадбирларни ишлаб чиқариш жараёнининг бир бўлагида тадбиқ қилиб кўриш; кутилган натижаларга эришганлик даражасини таҳлил қилиш; ижобий натижали таклиф ва ўзгартиришларни кенг жорий қилишга киришиш ва ушбу масалага ҳар бир ходимни чорлаш.



**2-расм. Шухартнинг PCDA цикли.**

Сифат тизимларини жорий қилишда ушбу айланма циклдан ташкил топган усулдан фойдаланиш республикамизда бир хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, яъни товар ассортименти кўп бўлмаган корхоналарда ўз самарасини бериши мумкин, чунки бунда тадқиқотлар корхона ичида олиб

борилади. Шухарт биринчилардан бўлиб ишлаб чиқаришга «назорат карта»ларини жорий қилди. Шухарт цикли АҚШнинг Bell Laboratories компаниясида жорий этилди ва хайратда қоларли натижа берди [19].


1940 йилларга келиб Уильям Эдвардс Деминг статистик усуллар асосида АҚШ ва Япония саноатини чуқур ўрганиб сифатни бошқаришнинг 14 тамойили ишлаб чиқди:

1. маҳсулот ва хизматларни доимо юксалтириш;
2. ҳар бир жараёнда сифатга эришиш;
3. ялпи назоратдан воз кечиш;
4. маҳсулотнинг фақатгина нархи орқали орттирилган шерикчиликдан воз кечиш ва хом-ашё жўнатувчилар сонини камайтириш;
5. ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини доимо такомиллаштириш;
6. корхонада замонавий ўқитишни ташкил қилиш;
7. корхонада замонавий бошқариш усулларини жорий қилинг, бошқарув маҳсулотнинг миқдорий кўрсаткичларини текширишдан сифат кўрсаткичларини текширишга айланиши керак;
8. ҳар бир ходим ўз фикрини айта олиши ва унинг фикри инобатга олиниши керак;
9. корxonанинг ҳар бир бўлинмаси бошқа бўлинмасига яқинлашиши керак;
10. ишчилар учун чиройли шиорлардан воз кечиш;
11. иш натижаларини баҳолашда миқдорий ҳисоблашдан воз кечиш;
12. ҳар бир ишчида касбий ғурурни шакллантириш;
13. ҳар бир ходимнинг малакаси ва савияси оширилиши тизимини яратиш;
14. ўзгаришларни рўёбга чиқариш йўлидаги ҳар қандай чораларни амалга оширишга ҳаракат қилиш.

1950 йилларга келиб Арманд Фидженбаум томонидан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, сифатни бир меъёрда ушлаш, сифатни яхшилаш ва сифатнинг танархини ҳисоблаш каби жараёнларни ўз ичига олган, жараёнли ёндашувга асосланган «Умумбашарий сифат назорати» (Total quality control) атамаси таклиф қилинди (3-расм).

Ўзбекистон шароитида ушбу тамойилларни корхоналарда қўллаш қийинчиликсиз кечади ва катта маблағларни талаб қилмайди. Унинг кенг жорий қилиниши Япониядаги «Toyota» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иш суръатларини кескин оширди ва экспортининг бир неча баробар ошишига сабаб

бўлди. Япония халқи олдидаги хизматлари учун Японияда сифат соҳасидаги ютуқлар учун «Деминг мукофоти» жорий қилинган [5].



### 3-расм. Жараёнли ёндошишга асосланган сифат менежменти тизимининг модели.

1951 йилда Джозеф Джуран (1904 йилда туғилган) томонидан «Сифатни бошқариш бўйича қўлланма» ишлаб чиқилди:

1. Сифатни режалаштириш: мижоз кимлигини, талаблари нимадан иборат эканлигини аниқлаш; мижознинг эҳтиёжларини имконият билан солиштириш; эҳтиёжларига мос келувчи маҳсулот ишлаб чиқариш; маҳсулотнинг кўрсаткичларини белгилашда икки томон манфаати ҳам инобатга олинган бўлсин.

2. Сифатни яхшилаш: маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тегишли технология ва жараёнларни ишлаб чиқиш; ушбу технологияни оптималлаштириш.

3. Сифатни бошқариш: технология ва жараёнлар тегишли маҳсулотни ишлаб чиқаришга етарли эканлигини текшириш; доимий назоратни ўрнатиш.

Ушбу қўлланма ҳозир ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган ва республикамизнинг янги ҳамда мобил корхоналарида ундай фойдаланиш



мақсадга мувофиқ.

Сифатни бошқариш тизимларининг жорий қилиниши корхонадан ҳам моддий, ҳам интеллектуал ресурсларни сарфлашга мажбур қилади. Тизимнинг ишлаш ва ривожланиш механизми фақатгина истеъмолчига қаратилган бўлсагина ижобий натижаларга олиб келади. Истеъмочининг қониқиши бозорни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ўргангилиб, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида истеъмолчининг қониққанлиги тўғрисида ахборот таҳлил қилинади (8-расм).

Маҳсулот ҳаётининг ҳар бир босқичида сифатига таъсир этувчи омиллар ўрганилди ва юқори ҳамда истеъмолчи талаб қилган сифатга эришиш цикл шакли давом этгандагина муваффақиятга олиб келиши тасдиқланди, ҳар бир босқичда жавобгар, ижрочи ва ахборотлар оқими аниқ белгиланиши оқибатда цикл тўхтаб қолмаслигига шароит яратади (9-расм).

Назоратнинг шакли ва олиб борилиш тартиби сифат ҳужжатларида белгиланади. Ижрочига фақатгина ҳужжатларда белгиланган ишларни ўз вақтида, эътибор билан ва сифатли амалга ошириш қолади (9-расм). Ҳар бир жараённи ҳужжатлаштириш корxonанинг эртанги кунини башоратлаш имконини беради ва қисқа ҳамда узоқ муддатли ривожланиш истиқболларини яратишга асос бўлади [15].

1962 йилда Кэроу Ишикава «Сифат цикли» номли назарияни таклиф қилди. Унга асосан, «сифат» деганда маҳсулотнинг сифатидан ташқари сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш, сифатли ижро қилиш, бошқарув сифати ва инсон ҳаётини таъминлаш кабиларни ҳам назарда тутиш керак.

Ушбу цикл асосида корхона ва ходимлар фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб оладиган Total Quality Management (TQM) назариясига асос солинган.

Филипп Кросби томонидан таклиф қилинган «нолли дефектлар» концепциясида назорат - сифатнинг пастлиги ва камчиликларнинг кўплигига қаратилган бўлиши кераклиги, яъни «бир марта тайёрланганида сифатли бўлса, қайтадан ишлаб чиқарилмайди ва сифатини тўғрилашга пул кетмайди»

масаласи олға сурилади. Майда ва кўп сонли деталларни ишлаб чиқарадиган маҳаллий корхоналарда ушбу концепция асосида статистик усулларни қўллаган ҳолда сифат тизимини жорий этиш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноатнинг ривожланиши ва технологик ўзгаришлар натижасида маҳсулотнинг сифатига эътибор кучайди олимлар томонидан талабларни бир меъёрга келтириш юзасидан тадқиқотлар ўтказила бошланди [19].

АҚШ биринчи бўлиб бу ўзгаришларни кўра билди ва харбий қурол – аслаҳаларни стандартлаштириш мақсадида ҳужжатларни қўллай бошлади:


MIL-Q-9858 «Сифат тизимининг техникавий шартлари», MIL-1-45208 «Назорат тизимига талаблар» каби ички стандартлар махсус жалб қилинган олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

Бу иккала стандарт ҳозирги кунда ҳам харбий шартномалар учун қўлланилмоқда ва НАТО доирасидаги AQAP (Сифатни таъминлаш бўйича бирлашган материаллар) стандартлар тўпламлари учун асос қилиб олинган.

Сифатни бошқаришга йўналтирилган стандартларга зарурат кейинчалик харбий саноат соҳасидан ташқарида ҳам пайдо бўлди. Буюк Британияда BSI (Британия Стандартлар Институти) томонидан BS 4891 ва BS 5179 амалий раҳбарий ҳужжатлар стандартлари жорий қилинди. Лекин улар асосан ўхшаш бўлиб, шартномалар бўйича талаблар сифатида қўлланила олмасди. AQAP стандартлари харбий талаблар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уларни харбий бўлмаган соҳаларда қўллаш қийин эди [12].

1979 йилда 3 уч қисмдан иборат BS 5750 стандарти нашр қилинди. Ушбу стандарт тушунтиришлар, стандартларни қўллаш бўйича маълумот берадиган қўшимча қисмларни талаб қилар эди.

Корхоналар ўзларида маҳсулот сифатини таъминлайдиган тизимларни жорий қилишларида маҳсулот хаётий даврининг ҳамма босқичларидаги - лойиҳалашдан то ишлатилишигача бўлган масалаларни назорат остига оладилар (4-расм).



**4-расм. Сифат тизимларини жорий қилиш босқичлари.**

### **1.3. Сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш тартиби**

Сифат менежменти тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича идоралар сифатида “Ўзстандарт” агентлигининг



худудий идоралари, СМСИТИ, бир турдаги махсулотларни сертификатлаштириш бўйича идоралар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга тобе бўлмаган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа ташкилотлар O'z DSt ISO/IEC 17021:2009 стандарти талабларига мувофиқ аккредитланиши мумкин [14].

Ушбу стандартнинг тузилмаси бўйича сертификатлаштириш идорлари қуйидаги талабларни бажариши лозим:

4-бўлим. Тамойиллар: умумий қоидалар; ҳолисоналик; лаёқатлилиқ; жавобгарлик; очиклик; махфийлик; шикоятларга жавоб бериш тамойилларини белгилайди.

5-бўлим. Умумий талаблар: ҳуқуқий ва шартнома масалалари; ҳолисоналикни таъминлаш; мажбурият ва молиялаштиришга талаблар;

6-бўлим. Тузилмасига талаблар: ташкилий тузилма ва юқори раҳбарият; ҳолисоналикни ҳимоялар бўйича Кенгашга талаблар;

7-бўлим. Ресурсларга талаблар: раҳбар ва ходимларнинг лаёқатлилиги; сертификатлаштириш бўйича фаолиятда ходимларни жалб этилиши; ташқи аудиторлар ва ташқи техник экспертларни жалб қилиш; ходимлар тўғрисидаги ёзувлар; билвосита (четки) ташкилотларни жалб қилишга тегишли талаблар;

8-бўлим. Ахборотларга талаблар: кенг миқёсда фойдаланиладиган ахборотлар; сертификатлаштиришга таллуқли ҳужжатлар; сертификатланган ташкилотларнинг рўйхати; сертификатга ҳаволалар ва белгилардан фойдаланиш; махфийлик; сертификатлаштириш идорасининг мижозлар билан ўзаро ахборот алмашинувига талаблар;

9-бўлим. Жараёнларга талаблар: умумий талаблар; бошланғич аудит ва сертификатлаштириш; назорат бўйича фаолият; қайта сертификатлаштириш; махсус аудитлар; сертификатлаштириш амал қилиш соҳасини қисқартириш, тўтатиш ёки бекор қилиш; апелляция; шикоятлар; аризачилар ва мижозлар тўғрисидаги ёзувларга талаблар;

10-бўлим. Сертификатлаштириш идораси менежменти тизимида талабалар келтирилган [14].

Менежмент тизимларини (МТ) сертификатлаштириш идораларига, шунингдек, сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идоралари O‘z DSt ISO/IEC 17021:2009 (ISO/IEC 17021:2006) ва ISO/IEC 62 талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида аккредитланган сертификатлаштириш идоралар сертификатлаштиришни амалга оширади. Ҳар бир аккредитланган сертификатлаштириш идоралари, аккредитлаштириш идораси томонидан тасдиқлаган фаолияти бўйича сертификатлаштириш рўйхати, ушбу идора учун рухсат этилган аккредитация соҳаси бўлиши шарт [6].

Менежмент тизимини сертификатлаштириш идоралари сертификатлаштириш аудити жараёни қуйидаги босқичларда амалга ошириш лозим:

- текширилаётган ташкилот билан бошланғич боғланишни ўрнатиш;
- сертификатлаштиришга аризани бериш ва кўриб чиқиш;
- ариза бўйича қарор қабул қилиш;
- ташкилот ҳужжатларини таҳлил қилиш;
- дастлабки аудит (аудит ўтказиш жойига дастлабки келиб кўриш);
- сертификатлаштиришни ўтказишга тайёрлаш (жойида аудит);
- сертификатлаштириш аудити (жойида аудит);
- кузатишда олинганларни таҳлил қилиш ва аудит натижалари бўйича хулоса тайёрлаш, рўйхатга олиш ва мувофиқлик сертификатини бериш;
- сертификатлаштирилган МТ мувофиқлик сертификати амал қилиш муддати давомида инспекцион назорати.

Сертификатлаштириш идораси боғланишни ўрнатишда аризачига ўзининг аккредитация соҳаси, сертификатлаштириш процедураси, ариза шакли ва юридик манзиллари ҳақида тўлиқ маълумотларни тақдим қилади. Бунда келгусида сертификатлаштириш процедуралари учун зурурий боғланувчи шахс, ташкилот манзили, телефон, менежмент тизимининг қўлланиш соҳаси, ташкилотнинг бошқа маълумотлари аниқланиб, белгиланади [20].

МТ сертификатлаштиришга талабгор ташкилот, миллий тизимда аккредитланган МТ сертификатлаштириш бўйича идорага ариза жўнатади. Ариза бўйича ижобий қарор бўлса, аризачи-ташкилот сертификатлаштириш бўйича идорага сифат қўлланмаси, мажбурий ҳужжатлаштирилган процедуралар, асосий жараёнлар бўйича ҳужжатлар ва сертификатлаштириш бўйича идора сўрови ёки аризачи-ташкилот қизиқиши бўйича бошқа ҳужжатларни тақдим қилиши лозим.

Сертификатлаштириш бўйича идорага тақдим қилинган аризада МТ қўлланиш соҳасини, ва сертификатлаштириш соҳалари ўзининг аккредитлаш соҳаси билан мувофиқлигини аниқлаб аниқ ва равшан тасдиқлаши лозим [19].

Текширилаётган ташкилот *ҳужжатларни таҳлил қилишни* аудит мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Таҳлил қилишда ташкилотнинг фаолияти турлари, ўлчами ва мураккаблигини ҳамда аудит ўтказиш соҳаси ва мақсадларини ҳисобга олиниши лозим.

Буюртмачининг талаби бўйича, махфийликка риоя қилиш мақсадида, ҳужжатлар таҳлили буюртмачи аудити ўтказилгунгача жойида ўтказилиши мумкин.

Алоҳида ҳолатларда, агарда аудит ўтказиш натижаларига зарар келтирмаса ҳужжатлар таҳлили аудит ўтказиш давомида жойида ўтказилиши мумкин.

Ҳужжатлар таҳлилини, СИ МТ сертификатлаштириш бўйича идора раҳбари ёки аудиторлар гуруҳи раҳбари тайинлаган ходимлар амалга оширишади.

Дастлабки аудит буюртмачи ташкилотда зарурият туғилганда масалан, аудитни режалаштиришда зарурий маълумотларни олиш учун ёки агарда ҳужжатлар таҳлили натижалари жиддий номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатса, сертификатлаштириш аудитини ўтказиш имконияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин эмас. Дастлабки аудит корхонани сертификатлаштириш аудитга тайёрлигини текшириш учун буюртмачининг хоҳиши бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Хужжатлар таҳлили дастлабки аудит натижалари ижобий бўлса, аудиторлар гуруҳи белгиланади. Комиссия таркибига малакага эга бўлган ва сертификатлаштириш бўйича идоранинг аккредитлаштириш соҳасига мувофиқ аудиторлар ва зарурият туғилган ҳолатларда экспертлар киритилади.

Аудиторлар гуруҳи раҳбари сертификатлаштириш аудитининг режасини ишлаб чиқади ва текширилаётган ташкилот билан олдиндан келишиб олади. Гуруҳ раҳбари, комиссия аъзоларини текшириш объектларига тақсимлайди, улар олдиндан аудит учун саволнома тайёрлайдилар.



## **II-БОБ. СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИНИ НАТИЖАВИЙЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

### **2.1. Сифат менежменти тизими жорий қилинганидан сўнг олинадиган фойдалар**

Сифат менежменти тизимини ҳужжатлаштиришда зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича гуруҳ тузилгандан сўнг, бошланғич ўқиш ўтказиш лозим. Бунда ҳар бир ходимни ҳужжатларни ишлаб чиқишга ўқитиш муҳим эмас, балки биринчи навбатда ҳужжатлаштирилиши керак бўлган жараён бўйича гуруҳ аъзоларини билимини ошириш зарур [21].

Ҳужжатларни самарали ишлаб чиқиш учун қуйидагилар зарур:

- ҳужжат мақсадини аниқ белгилаш;
- ҳужжатни қўлловчилар эҳтиёжини аниқлаш;
- қўлловчилар эҳтиёжларини қондиришга эътибор бериш;
- фаолият чегараларини белгилаш;
- иложи борича ҳужжатни содда усулда ишлаб чиқиш;
- қўлловчилар имкониятларини тушуниш;
- баъзи ҳолларда янгиларини ихтиро қилмаслик, амалдаги ҳужжатлардан фойдаланиш;
- жараён (процедура) ни бирламчи баён қилиш учун жараён картаси (алгоритм) дан фойдаланиш;

СМТ барча ҳужжатлари учун стандарт тузилиш ва шаклдан фойдаланиш;  
ҳужжат максимум функцияларни амраб олиши керак;  
ҳар бир ҳужжатни ишлаб чиқиш муддатларини белгилаш.

Қуйида ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиш керак:

- а) агар ишни тегишли тайёргарликдан ўтган мутахассис бажарадиган бўлса, балки оддий қилиб, бу ишни бажариш учун қандай мутахассис ва унинг малакаси қанақа бўлиши кераклигини кўрсатилса етарли бўлиши мумкин. Масалан, дизайнер – график, малакали пайвандчи ёки 5 разрядли токар;

- б) агар ишни вақтинчалик ишчи бажарса ёки унга алоҳида талаблар қўйилса, бажариладиган ҳаракатларни кетма – кетлигини мукамалроқ баёни керак бўлиши мумкин, масалан, қуйидагиларни кўрсатиш керак бўлади;
- дастлабки таҳлил бўйича ҳисобот қандай тузилади;
- файл қандай яратилади;
- ишни нимадан бошланади;
- иш бажарилишини ким кузатиб боради;
- иш қандай бажарилади ва сифати қандай текширилади;
- иш тугатилгани тўғрисида ким қарор қабул қилади;
- бу ишдан сўнг қандай ҳаракат бажарилади ва уни ким бажаради;

бажарилган иш бўйича ҳисоботда нималар кўрсатилиши керак ва уни ким сақлайди.

Агар ташкилотда ишчи йўриқномалари мавжуд бўлса, иш 50 фоиз бажарилган деб ҳисоблаш мумкин. Амалдаги ҳужжатларни қайта кўчириш керак эмас, зарур ҳолларда СМТ тааллуқли бўлган ҳужжатларда ҳавола қилиш учун амалдаги ҳужжатни номи ва белгиланиши кўрсатилиши керак [25].

Ҳужжатларни ишлаб чиқиш тартибини белгилаш ва гуруҳни ундан фойдаланишга ўргатиш керак. СМТ ҳужжатларини ишлаб чиқишда қуйидаги тартибдан фойдаланиш тавсия қилинади:

Раҳбариятни сифат бўйича вакили:

- Ҳужжат мўлжали ва мақсадларини белгилаши керак. Нима ҳужжатлаштирилиши керак? Ҳужжат қаерда қўлланилади? Ҳужжат қачон қўлланилади? Ҳужжатни ким қўллайди?
- Бизнес учун ҳужжат муҳимлигини аниқлаш ва бу маълумотни гуруҳга етказиши керак.
- Талаб қилинадиган ҳужжатни ишлаб чиқиш учун жавобгар жамоани шакллантириши керак.

Ҳужжат ишлаб чиқаётган гуруҳ:

1. Ишлаб чиқиладиган ҳужжатга тааллуқли ёки унга таъсир кўрсатувчи амалдаги барча ҳужжатларни (процедуралар, ишчи йўриқномалар, баённомалар) аниқлаш ва рўйхатини тузиши.

2. Ҳужжатлаштириладиган фаолиятни «мия штурмига» дучор қилиш ва жараён картаси (алгоритм) қуриш. Жараёни амалда ишлаши бўйича баён қилиши керак.

3. Жараён картасида баён қилинган фаолият ИСО 9001 талабларига тўлиқ ёки нотўлиқ мувофиқлигини аниқлаши. Керакли натижани олиш учун ишни қай тарзда бажариш зарурлигини белгилаши.

4. Жараён картасини ИСО 9001 талабларига мувофиқ қайта ишлаши (такмиллаштириш). Мавжуд жараён ва такмиллаштирилган жараён орасидаги номувофиқликларни бартараф қилиши.

5. Ҳужжатни 4 босқичда тайёрланган жараён картасига асосланган лойиҳасини ишлаб чиқиши. Ҳужжатларни ишлаб чиқишда гуруҳ белгиланган стандарт шакл ва ҳужжатларни баён қилиш тузилмасидан фойдаланиши.

6. Ҳужжат лойиҳасини потенциал ўзгаришлар киритиш мақсадида қўлловчилар, етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан муҳокама қилиши (келишиш).

7. Аввалги босқичда олинган тилак ва қўшимчаларга мувофиқ ҳужжатни ўзгартириши.

8. Ҳужжатни чиқариши керак.

Ҳужжатлаштирилган процедурада олтига асосий саволга жавоб булиши керак:

Нима бажарилади – киришда нималар мавжуд?

Нима учун – чиқишдаги натижа қандай?

Харакатни ким бажаради?

Қаерда?

Қачон?

Қай тарзда?

Корхона жараёнларини аниқлаш ва қўллашни процедураларни баён қилиш

тамойили бўйича олиб бориш ёки жараёнларни схематик баёни ва тузилишини қўллаш мумкин. Жараён схемаси қандай кўринишда бўлишига қараб қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин:

- жараён баёнини матн қисмини қисқартириш;
- жараённи яхшироқ тушиниш (4.1 a,f);
- жараённи яққол кўриш (4.1 a);
- жараёнларни ўзаро алоқасини аниқ белгилаш (4.1 b);
- жараёнлар орасида, шунингдек жараёнларни ўзида кириш ва чиқишларни аниқлаш (4.1 b);
- қаерда ва қайси босқичда у ёки бу ёзувлар шакллари қўлланилишини кўрсатиш (4.1 d);
- талаб қилинадиган ресурсларни аниқлаш (4.1 d).

Қуйида жараённи схематик баёни варианты келтирилган.

Ушбу схема бир оз соддалаштирилган, аммо унда қуйидагилар аниқ белгиланган:

- таъминот жараёнини бориши;
- жараённи кириш ва чиқишлари (жараён нимадан бошланади ва нима билан тугайди, нима ва қаерга берилади);
- жараённи турли босқичларида жавобгар шахслар (инсон ресурслари);
- таъминот жараёнида қўлланиладиган ҳужжатлар (ахборот ресурслари).

Бунга ўхшаш схемани стандарт процедурага киритиш, ёки уни қушимча ҳужжатлар, масалан, жараёнда ҳавола қилинган шакллар билан тўлдирган ҳолда жараённи алоҳида ҳужжати сифатида ишлатиш мумкин [28].

Корхонада қуйидаги келтирилган сифат менежменти тизими ҳужжатлари ишлаб чиқилган:

Сифат соҳасидаги сиёсат

Сифат соҳасидаги мақсадлар

СҚ- «Сифат бўйича қўлланма»

СТП 1 - «Ҳужжатларни бошқариш» процедураси



- СТП 2 – «Ёзувларни бошқариш» процедураси
- СТП 3 – «Ички аудитни бошқариш» процедураси
- СТП 4 – «Номувофиқ маҳсулотни бошқариш» процедураси
- СТП 5 – «Тўғриловчи амалларни бошқариш» процедураси
- СТП 6 – «Олдини оловчи амалларни бошқариш» процедураси
- СТП 7 – «Назорат ўлчов асбоблари ва қурилмаларини бошқариш» процедураси
- СТП 8 – «Ходимларни бошқариш» процедураси
- СТП 9 – «Харидларни бошқариш» процедураси
- СТП 10 – «Сотишни бошқариш» процедураси
- СТП 11 – «Ишлаб чиқаришни бошқариш» процедураси
- СТП 12 – «Сифат назорати» процедураси
- СТП 13 – «Технологик қурилмаларни таъмирлаш ва сервис хизматларини бошқариш» процедураси.

Ушбу ҳужжатлар корхона СМТ ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ аъзолари келишувидан сўнг корхона раҳбари томонидан тасдиқланиб ишлаб чиқаришга жорий этилади ва даврий равишда натижавийлигин таҳлил қилиб борилади [27].

Сифат тизимини жорий қилиш ва уни ишчи ҳолатда сақлаш ва натижавийлигини ҳамда самарадорлигини аниқлаш орқали ушбу тизимини такомиллаштиришга имкон яратади. O'zDSt ISO 9001:2009 стандарти ташкилот сифат менежменти тизими (СМТ) жараёнларини ўлчаш, таҳлил қилиш ва мониторингини ўтказиш учун энг қулай усулларни қўллашни талаб этади. Маҳсулот мувофиқлигини таъминлаш учун тўғриловчи ва олдини оловчи амалларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш зарур. Бунинг учун белгиланган СМТ жараёнларининг мониторинги ва таҳлил қилиш ҳамда уларни бажариш қоидаларига талаблар ўрнатилади. СМТ жараёнларини ўлчаш ва таҳлил қилиш учун уларнинг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлаш орқали амалга ошириш қулай имкониятлар яратиши билан бир қаторда жараёнлар учун мезонларни аниқлаб беради [28].


ISO 9000 стандартига кўра сифатни бошқариш тизимлари – ташкилот ёки

корхонанинг сифат соҳасидаги сиёсати ва мақсадларини, шунингдек бу мақсадларга эришиш учун зарур бўлган йўналишларни белгилаган ҳолда Ушбу усул орқали тадбирлар ишлаб чиқиш, етарли даражада ресурслар билан таъминланиши ва раҳбарлик қилиш учун такомиллаштириш ва узлуксиз, доимий яхшилаш ишларини амалга ошириш механизминини шакллантиради.

### **Корхоналарда ISO 9001 бўйича СМТ жорий қилишдан фойдалар:**


- Корхоналарни самарадорлигини ошириш, ишда аниқ мувофиқлаштириш;
- Бизнес мақсадларига эришишга ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга юқори аҳамият;
- Корхона маҳсулот ёки хизматлари сифатини истеъмолчилар томонидан белгиланган ёки кутилаётган талабларига мувофиқлигига эришиш ва ушлаб туриш;
- Истеъмолчиларни қониқишига эришиш;
- Талаб қилинаётган сифат таъминланиши ва ушлаб турилишига истеъмолчилар ишончини мустаҳкамлаш;
- Мавжуд ва потенциал истеъмолчиларда сизнинг корхонангиз имкониятларига ишончни мустаҳкамлаш;
- Янги бозор имкониятларини очилиши ва амалдаги сотув бозорларини сақлаб қолиниши;
- Сифат менеджменти тизимларини сертификатлаштириш ва рўйхатга олиш;
- Йирикроқ корхоналар билан мусобақаланиш имконияти (яъни мақбул нархлар таклиф қилиниши ёки нархларни ушлаб туриш).

Ушбу фойда келитириш кўрсаткичлари дунёдаги қатор давлатларда ҳам ўз тасдиғини топган (5 –расм).



**5-расм. Дунё бўйича ISO 9001 стандарти талабига мувофиқ сифат менежменти тизимини ривожланиши ва жорий қилган корхоналар сертификатлаштиришнинг ривожланишини ўсиш тенденцияси.**

№349, №183 ва №173 қарорларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир томонидан тасдиқланган назорат режасида дастурдаги корхоналарга халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш масаласи юклатилган. Демак бу чора ўзининг ижобий самарасини берган. Ўзбекистонда СМТ жорий қилган корхоналар ривожланиш тенденцияси 6 –расмда ва 2-жадвалда келтирилган.



**5-расм. Ўзбекистон Республикасида ISO 9001 стандарти талабига мувофиқ СМТ сертификатлаштирган корхоналарнинг ривожлаишини ўсиш тенденцияси.**

**Сифат менежменти жорий қилинган бир қанча корхоналарнинг  
иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси**

СМТ жорий қилинган корхонанинг номи ва йили	Кўрсаткичлар	Йиллар бўйича динамикаси			
		2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
ОАО «Кизилкумцемент», 2005 г.	Ишлаб чиқариш	2,5	2,7	2,6	3,1
	Экспорт (млн.USD)	22,2	36,6	52,9	40,5
ОАО «Навоиазот», 2007 г.	Ишлаб чиқариш (млрд.сум)	178,8	194,5	208,8	209,0
	Экспорт (млн.USD)	24,5	29,2	56,1	62,8
	Экспорт (млн.USD)	308,9	522,0	577,2	406,0
ОАО «Аммаfos- Махам», 2007 г.	Ишлаб чиқариш (млрд.сум)	55,2	80,4	83,5	130,2
	Экспорт (млн.USD)	5,1	3,8	23,7	47,2
ДП «Алеста Глас», 2007 г.	Ишлаб чиқариш (млрд.сум)	6,6	10,7	12,6	15,4
	Экспорт (млн.USD)	-	0,76	0,7	1,4
ОАО «Фаргонаазот», 2006 г.	Ишлаб чиқариш (млрд.сум)	86,5	90,5	144,4	165,2
	Экспорт (млн.USD)	22,1	28,3	37,7	39,8
	Экспорт (млн.USD)	36,8	66,5	114,5	33,0+40,3 млн. евро
АО «Кварц»,	Ишлаб чиқариш	21,9	32,1	47,1	54,3

2006 г.	(млрд.сум)				
	Экспорт (млн.USD)	1,7	4,0	3,5	4,2
ОАО «Кувасайцемент», 2007 г.	Ишлаб чиқариш (тыс.тонна)	900	948	1007	810
	Экспорт (млн.USD)	3,5	5,0	10,2	10,0
СП ЗАО «Евразия ТАПО-ДИСК»	Ишлаб чиқариш (млрд.сум)	4,6	8,6	22,2	26,6
	Экспорт (млн.USD)	2,5	2,5	8,8	9,7

### **ISO 9000 бўйича СМТ жорий қилинганидан сўнг олинган фойдалар:**

Шўртан газ – кимё мажмуаси СМТ жорий қилиниши ҳисобига экспорт ҳажмини 60% дан 75% гача оширди, бугунги кунда 1,5 млн. тонн маҳсулотга буюртмалар мавжуд (корхона қуввати йилига 120 минг тонн). «Хобос – ТАПО» КК 1,5 млн. долларлик шартномалар имзолаган. «Давлат Белгиси» ДИЧБ – маҳсулот турлари 2 дан 12 турга кўпайди, бунда экспорт ҳажми 0,2 % дан 20 % га ошди [28].

### **2.2. Сифат менежменти тизими жараёнларини аниқлаш усуллари**

СМТ жараёнларини натижавийлигини аниқлашдан олидан корхонанинг СМТ жараёнларини белгилаш ва идентификатлаштириш ҳамда уларни ўлчаш мақсадида жараёнларнинг рўйхатини тузиш лозим бўлади. «Тошкентдонмаҳсулотлари» ОТАЖ корхонасида СМТнинг 15 жараёни аниқланиб шундан 14 жараённи ўлчаш учун қабул қилинган.

СМТ натижавийлиги ( $P_n$ ) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_n = \frac{\sum_{i=1}^n K_{Fi}}{\sum_{i=1}^n K_{Ti}}$$



СМТ жараёнларининг натижавийлигини аниқлангандан сўнг, жараённи баҳолаш учун кваллиметрик шкаласи ўрнатилиб, жараён натижаси қиймати учун қуйидагича шартлар ўрнатилади:

$P_n = 0$  - жараён вазифасини бажармаяпти ва ишлаб чиқиш талаб этилади;

$0 < P_n < 0.3$  - жараён вазифасини бажармоқда лекин натижасиз ва юқори рахбарият кўриб чиқиши талаб этилади;

$0.3 \leq P_n < 0.6$  - жараён вазифасини бажармоқда лекин натижасиз ва жараён бошлиғи аҳамиятга эга бўлган тўғриловчи амалларни ишлаб чиқиши талаб этилади;

$0.6 \leq P_n < 0.9$  - жараён вазифасини бажармоқда лекин натижасиз ва жараён бошлиғи аҳамиятсиз эга бўлган тўғриловчи амалларни ишлаб чиқиши талаб этилади;

$0.9 \leq P_n < 1$  - жараён вазифасини бажармоқда лекин натижасиз ва жараён бошлиғи олдини олувчи амалларни ишлаб чиқиши талаб этилади;

$P_n = 1$  - жараён вазифасини бажармоқда ва ҳеч қандай амаллар ишлаб чиқилиши талаб этилмайди;

СМТ жараёнларини натижавийлигини аниқлаш қуйидаги босқичлардан фойданаланиб, амалга оширилади:

1. Ҳақиқатда кўрсаткичлар ( $K_{Fi}$ ) қийматини рўйхатга олиш.

2. Ҳар бир кўрсаткичлар учун ҳақиқатда кўрсаткичлар ( $F$ ) қиймати йиғиндисини аниқлаш:

$$F = \sum_{i=1}^N K_{Fi} \quad (1)$$

3. Кўрилатган жараённи ҳар бир кўрсаткичлари бўйича мезонлар қийматини аниқлаш:

$$П = \sum_{i=1}^N K_{Pi} \quad (2)$$

4. Ҳақиқатдаги ва режадаги кўрсаткичлар қийматининг ўзаро муносабати ( $\Delta_i$ )ни ҳисоблаш формуласи:

$$\Delta_i = \frac{K_{Fi}}{K_{Pi}}, \quad i = 1, \dots, n \quad (3)$$

бу ерда  $n$  - қаралётган жараённинг кўрсаткичлари сони.

Ушбу усул билан СМТ жараёнларини натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлаш орқали СМТ тизимининг ишчи ҳолати ва натижавийлиги ҳамда сарадорлигини аниқлаш мумкин бўлади [28].

### **2.3. Ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимининг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлаш**

Замонавий ва бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий корхоналар рақобатчилик шароитларига фаолиятини амалга ошириб келишмоқда. Бунда ҳаммадан ҳам бозорда корхонанинг мустаҳкам бўлишини тавсифловчи асосий омилларига корхонани бошқарув тизимининг сифати тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам корхонани бошқарув масалаларига катта эътибор қаратилади.

Менежмент тизимларининг объектлари таркиби доимий кенгайиб бормоқда, масалан, 2011 йил охирида энергияменежменти (ISO 51001) стандарти тасдиқланган бўлса, 2012 йил охирида активлар менежментига стандартни қабул қилиш режалаштирилган (ҳозирча ҳужжат рақами аниқланмаган). Ходимларни бошқариш соҳасида стандартларни ишлаб чиқиш учун Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) таркибида бунга мувофиқ техникавий қумита (ТК № 260) яратилган [28].

Мантиқан менежмент тизимларига стандартларни кенг қўланилиши корхонада интегрирланган менежмент тизимларини яратишга олиб келмоқда. Бу ягона мақсад сифатида ишчи ҳолатда ва бошқариш соҳасида икки ёки ундан ортиқ халқаро стандартларнинг комплекс талаларига жавоб берувчи умумий менежментининг бир қисмидир. У танланган халқаро стандартлар фаолият соҳасида ташкилотнинг мақсадларига эришишига йўналтирилган, мавжуд такрорларган ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадади умумий бошқарув тизимига мослаштирилган [29].

Турли хил объектлар менежменти тизимига талабларни аниқловчи барча стандартларда, уларни натижавийлигини баҳолаш тўғрисида талаблардан таркиб топган. Масалан, кўп ҳолларда ISO 9000 серияли стандартлар интегрирланган менежменти тизими (СМТ)ни яратиш учун асос сифатида фойдланилиб, тизимни такомиллаштиришнинг асосий воситаларидан бири сифат менежменти тизими (СМТ) натижавийлигини ўлчаниши назарда тутилган. ISO 9000 стандартининг 2.8.3. бандида СМТ натижавийлиги ва самарадорлигини баҳолашни доимий ўтказиш ташкилот юқори раҳбариятининг вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади [9]. Бундай баҳолаш, режалаштирилган вақт оралиғида тизимли ва натижавийлик асосида ўтказилиши ISO 9001:2008 стандарти талабларидан бири бўлиб ҳисобланади [30].


Ҳозирги пайтда халқаро стандартлар асосида яратилаётган менежмент тизимларининг натижавийлигини баҳолашнинг умум тан олинган усули танланмаган. Фақат қизиқувчи томонларнинг қаноатланганлиги, умумий хавфларни баҳолаш, сифат соҳасидаги мукофот моделларидан фойдаланиш асосида СМТ натижавийлигини баҳолашга ёндашувлар мавжуддир.

Шубҳасиз, СМТ натижавийлигини баҳолашга ёндашув қуйидаги принципларга таяниши лозим:

1. СМТ умумий бошқарув тизимнинг қисми ҳисобланади.
2. СМТ натижавийлигини баҳолаш алгоритми уни қуриш чун фойдаланаётган стандартлар таркибига боғлиқ бўлмаслиги лозим.
3. СМТ натижавийлигини баҳолаш алгоритми фойдаланилаётган стандартларнинг аҳамиятлилиги нуқтаи-назари билан таҳлил қилинаётган корхонанинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш лозим.
4. СМТ натижавийлигини баҳолаш алгоритми халқаро стандартларга мувофиқлиги асосида шаклланган менежмент тизими ишчи ҳолати услубий асослари сифатида “Доимий яхшилаш” принципини амалга оширишдан келиб чиқиш лозим.

Натижавийликни баҳолаш усулини ишлаб чиқишда СМТ ишлаб чиқилган СМТ моделидан фойдаланиш тавсия этилади (6-расм)[25]. Ушбу корхона

менежменти тизими ҳажмий модели, менежментга умум тан олинган классик ёндошувига асосланган, уни ичидан қуришга рухсат этилади, аммо, сифат менежменти тизими ва бошқа налогик менежмент тизимлари билан параллел бўлмаслиги лозим [32].



Маҳсулот	хизматлар	Жараён-лар		Ресурслар					Ташқи муҳит билан озарофаолият
		Асосий	Ёрдамчи	Молиявий	Ходимлар	Моддий ресурслар	Ахборот ресурслари	Бошқа ресурслар	

Менежмент тизимлари стандартларида бошқарув объектларига талабларни тақсимланиши

ISO 9001
ISO 14001
OHSAS 18001
ISO 27001
ISO 51001
Активлар менежменти стандарти лойиҳаси

**6-расм. Интегрirlанган менежмент тизими модели**

Таклиф этилаётган усул асосида менежмент тизимларининг алоҳида объектлари ҳамда СМТнинг натижавийлигини баҳолаш алгоритми қуйидаги босқичлар орқали амалга оширилади:

1. Бошқарув объектини аниқлаш.
2. Ҳар бир объектнинг аҳамиятлилигини аниқлаш.

3. Объектнинг ишчи ҳолатини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини аниқлаш.

4. Бошқарув тизимининг ишчи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни йиғиш.

5. СМТ ишчи ҳолатини баҳолаш учун кўрсаткичларни ҳисоблаш:

— бошқарув объектларининг ишчи ҳолати;

— тизимни ривожлантиришга қодирлиги;

— тизимнинг ишчи ҳолати натижавийлиги;

— бошқарув тизимининг самарадорлиги.

6. СМТ натижавийлигини баҳолаш натижалари бўйича бошқарув ҳаракатларини қабул қилиш.

Таклиф қилинаётган моделга кўра корхонада бошқарув объектларини аниқлаш. Бошқарувдан белгиланган объектлардан ихтиёрий истесно тариқасида бошқарув соҳасидаги фойдаланаётган стандартлар, фаолиятларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобига тақдим этилаётган объект унинг декомпозиция йўли билан таркиби ёки бошқарувдан асосланган бўлиши лозим.

Бошқарув объектининг аҳамиятлилигини аниқлаш меъёрлаштириш шартларига риоя этиш билан эксперт баҳолаш асосида ўтказилади [31].

$$\sum_{i=1}^N a_i = 1 \quad (4)$$


Объектнинг аҳамиятлилигини баҳолашга корxonанинг фаолияти тури, унинг фаолияти таҳлили натижалари, халқаро стандартларга менежменти тизимининг мувофиқлиги, бизнесни ривожлантиришга фойдаланаётган стратегияси таъсир этади.

Лойиҳалаштирилган бошқарув тизими доирасида баҳолаш кўрсаткичлари тизими 7-расмда кўрсатилган. Баҳолаш тизимида тизимни амалда эканлиги тўғрисида олинаётган маълумотларни комбинациялаш учун стратификация усулидан фойдаланган:

– бошқарув тизимининг қўйилган сифатли мақсад-чора-тадбирлар ва миқдорли мақсад-кўрсаткичларга эришиш қобилияти;



- белгиланган бошқарув объектларининг ишчи ҳолатини яхшилаш ва қўллаб-қувватлаш тизими қобилияти;
- тизимнинг ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти.



**7-расм. СМТ натижавийлигини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимининг тузилмаси.**

Мақсад-кўрсаткичлари режалаштирилган натижаларни миқдорли қийматларини ўрнатишга мўлжалланган. Мақсад-чора-тадбирлар турли хил дастурлар ва режалар доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни муддатларини ўрнатишда ва тўлиқ ҳажмда бажаилишини аниқлатади.

Ушбу мақсадларни ўрнатишда уларни аниқлаш билан таҳлил қилинади:

1. Ушбу мақсадлар янада юқор даражада бажарилишига эришилганлиги ҳолатини.
2. Мақсадларга эришилганлиги тўғрисидаги маълумотлар қанчалик қулай ва уларни ўз вақтида олишнинг имкони борлигини.

3. Қўйилган мақсад ходимни ҳоҳланмаган ёки номувофиқликни юзага келишида ўзини тутиши мумкинлигини.

Бошқарув соҳасидаги фойдаланилаётган стандартларнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган объектлардаги муносабатда ўрнатилаётган мақсадларда ўз аксини топган бўлиши лозим. Масалан, экологик менежмент соҳасидаги бошқарув стандартларидан фойдаланганда, мақсадлардан бири қуйидаги шаклда ифодаланади: “Фавқулотда ҳолатларни кидирувида ҳаракатларни қайта ишлаш бўйича режали чора-тадбирларни ўтказиш”, “Экологик мақсадлар ва вазифаларга эришиш бўйича дастурларни бажариш”. Атроф-муҳитни бошқариш тизимидан фойдаланишда мажбурий мақсадларни қуйидагича ифодалаш мумкин: “Иш шринлари ва жааёнларда хавфларни идентификациялар”, “Меҳнат шароитини яхшилаш дастурларини бажариш”. Менежмент соҳасидаги танланган стандартлардан боғлиқ бўлмаган ҳолда корхонада ходимларни лаёқатни ошириш, корхона стандартларини текшириш ва ишлаб чиқиш, режалаштирилган ички аудиларни тўлиқ ва ўзвақтида бажариш билан алоқадор мақсадлар ҳам мавжуд [33].

СМТ бошқариш натижавийлигини умуми баҳолаш танланган бошқарув тизими доирасидаги объектлар, бошқарув натижавийлигини баҳолаш аҳамиятлиги кэффиценти ҳисобида ўртача қиймати сифатида аниқланади.

$$D = \sum_{i=1}^n \alpha_i \cdot O_{oi} \quad (5)$$

бу ерда  $O_{oi}$  -  $i$ -чи объектнинг бошқариш натижавийлиги умумий баҳоси;

$\alpha_i$  - СМТда  $i$ -чи объектнинг аҳамиятлилиқ коэффиценти.

Ушбу баҳолаш натижавийлик даражасини баҳолаш учун қуйидаги таклиф этилаётган шкаладан фойдаланган 0 дан 1 гача ораликда бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

### СМТ бошқариш натижавийлигини баҳолаш учун шкала

№	СМТ натижавийлигини умумий баҳоси	СМТ ҳолати тавсифи
---	-----------------------------------	--------------------

	қиймати	
1	0,95–1,0	Менежмент тизими умуман натижали
2	0,8–0,94	Нативавийлик яхши даражада
3	0,65–0,79	Нативавийлик қониқарли даражада
4	Менее 0,64	Нативавийлик қониқарсиз даражада

Объектни бошқариш ативавийлигини умумий баҳолаш қуйидаги формула билан аниқланади:

$$O_{\ddot{o}i} = \frac{\sum_{j=1}^4 O_{\ddot{o}ijkj}}{\sum_{j=1}^4 k_{ij}} \quad (6)$$

бу ерда  $O_{\ddot{o}i}$  -  $i$ -чи объектнинг бошқариш нативавийлиги умумий баҳоси;

$O_{\ddot{o}ijkj}$  -  $i$ -чи объект муносабатида мувофиқ мақсаднинг бажарилиши баҳоси;

$j$  – объект муносабатидаги мақсадлар турини белгиловчи индекс, (бу ерда ва кейинчалик:  $j = 1$  - интегрирланган менежмент тизими объектнинг ишчи ҳолатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган мақсад-кўрсаткичлар,  $j = 2$  – объектнинг ишчи ҳолатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган мақсад-кўрсаткичлар,  $j = 3$  - объектнинг ишчи ҳолатини яхшилашга йўналтирилган мақсад-кўрсаткичлар,  $j = 4$  - объектнинг ишчи ҳолатини яхшилашга йўналтирилган мақсад-чора-тадбирлар);

$k_{ij}$  -  $i$ -чи объект муносабатида ўрнатилган  $j$  турдаги мақсадлар миқдори.

Объектнинг ишчи ҳолатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятлар нативавийлигини баҳолаш ( $O_{инфи}$ ) ва объектнинг ишчи ҳолтини яхшилашга йўналтирилган фаолиятлар нативавийлигини баҳолаш ( $O_{цүфи}$ ), мувофиқ яъни мос мақсадларга эришилганлигини баҳолаш сифатида аниқланади.

$$O_{\ddot{o}i\ddot{o}} = \frac{\sum_{j=1}^2 O_{\ddot{o}ijk}}{\sum_{j=1}^2 k_{ij}} \quad (7)$$

$$O_{\ddot{o}\ddot{o}i} = \frac{\sum_{j=3}^4 O_{\ddot{o}ijk}}{\sum_{j=3}^4 k_{ij}} \quad (8)$$

бу ерда  $O_{\ddot{o}i}$  -  $i$ -чи объектнинг бошқариш натижавийлиги умумий баҳоси;

$O_{\ddot{o}ijk}$  -  $i$ -чи объект муносабатида мувофиқ мақсаднинг бажарилиши баҳоси;

$j$  - объект муносабатидаги мақсадлар турини белгиловчи индекс;

$k_{ij}$  -  $i$ -чи объект муносабатида ўрнатилган,  $j$  турдаги мақсадлар миқдори.

СМТ объектлари мажмуий ишчи ҳолатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятлар натижавийлигини баҳолаш ( $P_{n\phi}$ ) ва СМТ объектлари мажмуий ишчи ҳолатини яхшилашга йўналтирилган фаолиятлар натижавийлигини баҳолаш ( $P_{y\phi}$ ) белгиланган объектларга мос келувчи ўртача қиймати сифатида аниқланади.

$$D_{i\ddot{o}} = \sum_{i=1}^n \alpha_i \cdot O_{\ddot{o}i\ddot{o}} \quad (9)$$

$$D_{\ddot{o}\ddot{o}} = \sum_{i=1}^n \alpha_i \cdot O_{\ddot{o}\ddot{o}i} \quad (10)$$

бу ерда  $P_{n\phi}$  – объектлар ишчи ҳолатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолиятлар натижавийлигини баҳолаш;

$P_{y\phi}$  – объектлар ишчи ҳолатини яхшилашга йўналтирилган фаолиятлар натижавийлигини баҳолаш;

$\alpha_i$  - СМТда  $i$ -чи объектнинг аҳамиятлилик коэффициенти;

$O_{n\phi i}$  - объект ишчи ҳолатини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган фаолият натижавийлигини баҳолаш;

$O_{y\phi i}$  - объект ишчи ҳолатини яхшилашга йўналтирилган фаолият натижавийлигини баҳолаш.

Бошқаришнинг натижавийлиги ва ишчи ҳолати натижавийлигини баҳолаш кўрсаткичи қўйилган (мақсад-кўрсаткичлар ва мақсад-чора-тадбирлар) уларнинг турларига боғлиқ мақсадларга эришишга ташкилот раҳбарининг фикрида ақс этади [28].

$$\hat{I}_{\delta\delta} = \frac{\sum_{i=1}^N \sum_{j=1, j=3} \hat{I}_{ijk_j}}{\sum_{i=1}^N \sum_{j=1, j=3} k_{ij}} \quad (11)$$

$$\hat{I}_{\delta\delta} = \frac{\sum_{i=1}^N \sum_{j=2, j=4} \hat{I}_{ijk_j}}{\sum_{i=1}^N \sum_{j=2, j=4} k_{ij}} \quad (12)$$

бу ерда  $O_{p\phi}$  – ишчи ҳолат натижавийлиги кўрсаткичи;

$O_{py}$  – бошқарув натижавийлиги кўрсаткичи;

$\hat{I}_{ijk_j}$  -  $i$ -чи объектга муносабатдаги мувофиқ бўлган мақсадларни

бажарилишини баҳолаш;

$j$  - объект муносабатидаги мақсадлар турини белгиловчи индекс;

$k_{ij}$  -  $i$ -чи объект муносабатида ўрнатилган,  $j$  турдаги мақсадлар миқдори.

Таклиф этилаётган натижавийликни баҳолаш менежмент тизимларининг алоҳида объектлари босқичларида, шунингдек, фойдаланаётган стандартларнинг таркибига боғлиқ бўлмаган ҳолда интегрирланган менежмент тизимини яратишга йўналтирилган, уни ривожлантиришда қўллаш мумкин.

## ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

Битирув ишининг бу қисмида ишлаш жараёнида ҳаёт фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари куриб чиқилади.

Ҳаёт фаолияти деб инсонни ҳар кунги фаолияти, дам олиши, яшаш тарзига айтилади.

Инсонларни техносферадаги фаолиятининг хавфсизлигини асосларини ўрганишга киришишни аввало тирик мавжудотларнинг ўзаро ва атроф-муҳит билан бир-бирига муносабати тўғрисидаги умумий билимларда ХФХни ўрнини билишдан бошлаш керак.

Саноат корхоналарида хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва тавсияномаларига риоя қилмаслик ишчиларни жароҳатланишга, захарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкин.

Инсон танасининг тери ёки айрим қисмлари ташқи механик, химик, иссиқлик ва электр таъсирида натижасида шкастланса, буни жароҳатланиш деб аталади. Жароҳатланишга урилиш натижасида лат ейиш, кесилиш, суюқ синиши ва сиқиши, кимёвий ёки иссиқликдан куйиш, иссиқ уриши, совуқ уриши, ўткир захарланиш ва электр токи таъсирида организмнинг баъзи қисмларида ҳаёт фаолиятининг бузилиши киради. Жароҳатланиш тушунчасини бахтсиз ҳодиса деб ҳам юритилади.

Жароҳатланиш уч турга бўлиб қаралади. Биринчиси ишлаб чиқаришда, иш жойида жароҳатланиш, иккинчиси иш билан боғланган лекин ишлаб чиқариш билан боғланмаган жароҳатланиш ва учинчиси ишлаб чиқариш ва иш билан боғланмаган жароҳатланиш.

Ишлаб чиқаришда, иш жойларида олинган жароҳатланишга, ишчи маъмурият томонидан буюрилган ишни бажариш борасида иш жойида цехда, завод ҳудудида юк ортиш ва юк тушириш ёки баъзи юкларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш вақтида олган жароҳатланишлар киради.



Иккинчи тур жароҳатланишга ишга бориб-келиш вақтида транспорт воситаларида, командировка вақтида, ёки корхона маъмуриятнинг топшириғига мавофиқ ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқаридаги баъзи бир ишларни бажарганда олинган жароҳатланишлар киради.

Учинчи тур жароҳатланишга маст бўлиш натижасида олинган жароҳатлар, давлат мулкани ўғирлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлардаги жароҳатланишлар киради.

Бахтсиз ҳодисаларни турларга бўлишдан мақсад, саноат корхонаси ишлаб чиқаришда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодисага жавобгар ҳисобланади. Маъмурият биринчи икки турдаги бахтсиз ҳодиса яъни жароҳатланиш ишлаб чиқариш билан боғланган тақдирда жавобгар ҳисобланади ва бахтсиз ҳодисага учраган кишининг жароҳатланиш натижасида йўқотилган кунлари учун тўлиқ ҳақ тўланади.

Агар бахтсиз ҳодиса у маъмурият томонидан хавфсиз иш шароитини яратиш соҳасида ё'л кўйилган хато орқасида бўлмай, балки ишчининг меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларига амал қилмаслиги натижасида келиб чиққан бўлса, унда ишчи ҳам маъмурият ходими билан бирга жавобгар ҳисобланади. Бунда моддий тўлов миқдори маъмурият ходими ва ишчининг айбдорлик даражасига кириб белгиланади. Меҳнат қонуниятига асосан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жароҳатланишдан ё'котилган иш кунларига корхона томонидан тўланиши керак деб белгиланган.

Саноат санитарияси нормаларининг бузилиши натижасида ишлаб чиқариш жойларидан ажралиб чиққан зарарли омиллар таъсиридан ишчи касбий захарланиш ёки касб касаллигига чалиниши мумкин. Касбий захарланиш ишчининг нафас олиш, олиш оврақ хазм қилиш ёки териси орқали захарловчи моддалар таъсир қилиш натижасида келиб чиқиши мумкин.

Касбий захарланиш бир смена давомида юз берса уни ўткир захарланиш дейилади, агар узок муддат давомида захарли моддалар йиғилиши натижасида юз берса сурункали захарланиш дейилади. Сурункали захарланиш касб касалликларига олиб келади. Касб касалликларига қоникарсиз иш

шароитларида ишлаш натижасида келиб чиқадиган ҳамма касалликлар киради. Масалан, хаво босимнинг ортик ёки кам бўлиши натижасида кессон ёки тоғ касаллиги, саноатда ажралиб чиқадиган чанг таъсиридан пневмокониоз касалиги, яллигланиш ва захарли моддалар таъсиридан дерматит ва язва касалликлари келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш жароҳатланиши ва касб касалликлари бизнинг жамиятимизда тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол ҳисобланади. Агар бундай ҳол юз берар экан, уни саноат корхонасида йул қўйилган ташкилий ва техник ҳатолар натижаси деб қараш керак.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш корхоналарида юз берган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳар томонлама текширилади ва ҳисобга олинади. Текшириш ва ҳисобга олиш умумий ўрнатилган қатъий тартиб асосида олиб борилиши керак. Ёлга қўйилган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини ҳисобга олиш ва текшириш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш бундай бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг қайтарилмаслиги учун чора-тадбирлар қўриш имкониятини яратади.

Ўлим билан тугаган, оғир жароҳатланиш ва гурппа билан бахтсиз ҳодисага учраган ҳоллардан ташқари ҳамма бахтсиз ҳодисаларни текширишни сеҳ бошлиги, хавфсизлик техникаси инженери ва жамоат инспектори таркибида тузилган комиссия томонидан текширилади.

Бахтсиз ҳодиса иш бошланишидан олдин, иш давомида, ишдан кейин иш жойида, завод территориясида ва маъмуриятнинг топширигига асосан завод территориясидан четда юз берган бўлишидан қатъий назар текширилиши лозим. Ўткир захарланиш, иссик уриши ва тананинг баъзи қисмларининг музлаши бахтсиз ҳодиса сифатидан текширилади.

Бир кундан қам бўлмаган иш қунини ёқотган бахтсиз ҳодисалар 24 соат давомида текширилиб, махсус форма бўйича (Н-И) 4 нусхадан акт тузилади.

Ақтда бахтсиз ҳодисага учраган киши ҳақидаги ахборот ташқари, аниқланган бахтсиз ҳодисанинг сабаблари қелтирилиши ва бундай бахтсиз

ходисалар кайтарилмаслиги учун кандай чора-тадбирлар кўрилганлиги хакида ахборот берилади.

Актни корхонанинг бош инженери тасдиқлайди. Актнинг бир нусхаси сех бошлигига юборилади ва у бош инженер белгилаган муддат давомида актда кўрсатилган меҳнатни муҳофаза қилиш масаларини амалга ошириши керак, иккинчи нусхаси касаба уюшмаси, комитетига, учинчиси тегишли касаба уюшмасининг техник инспекторига ва тўртинчиси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимига назорат ўрнатиш учун юборилади. Маъмурият бахтсиз ходисага учраган кишига актнинг тасдиқланган нусхасини бериши шарт. Бахтсиз ходисанинг асоратлари кейинчалик ҳам келиб чиқишини ҳисобга олиб, актлар 45 йилгача сақланиш керак.

Бахтсиз ходиса текширилгандан кейин саноат корхонаси маъмурияти ё'л кўйилган хатоларнинг кайтарилмаслигини таъминлашга қаратилган буйруқ ё'лон қилади. Бу буйракда корхонада юз берган бахтсиз ходисанинг келиб чиқишига айбдор бўлган кишиларнинг жавобгарлиги аниқланиб, таъкидланади.

Бахтсиз ходиса ўлим билан тугаса, группа билан бахтсиз ходисага учраса ва оғир жароҳатланган ҳолларда, текшириш махсус белгиланган тартиб билан ўтказилади. Бундай бахтсиз ходисаларни махсус комиссиялар томонидан текширилади. Комиссия таркибига касаба уюшмаси техник инспектори, юқори хўжалик ташкилотининг ходими, давлат назорат органлари ходимлари ва умумий бахтсиз ходисани текширишда иштирок этадиган ходимлар қатнашади.

Бундай ҳолатларда текшириш тезда ўтказилиши керак, яъни текшириш материаллари 7 кун ичида тайёр бўлиши шарт. Актга бахтсиз ходисани кўрган гувоҳларнинг кўрсатмалари, медексперт хулосаси, бахтсиз ходиса юз берган жойнинг, ҳамда агар бахтсиз ходиса вақтида бирон-бир объект зарарланган бўлса, уларнинг фото сурат ва комиссия чиқарган хулосаларни тасдиқлайдиган бошқа материаллар кўшиб юборилади. Актга шунингдек бахтсиз ходисага жавобгар бўлган шахснинг фамилияси ва лавозими ё'зиб кўйилади.

Оғир, группа билан жароҳатланганлар ва ўлим билан тугуган бахтсиз ходисалар албатта фабрика, завод касаба уюшмаси комитетида ва юқори

хўжалик ташкилотлари касаба уюшмалари комитетида ва юкори хўжалик ташкилотлари касаба уюшмалари комитетларида тахлил килиш ва кўриб чикилиши керак. Сўнгра билдирилган фикр мулохазалар асосида кейин ҳам шундай бахтсиз ходиса рўй бермаслик учун умумий чора тадбирлар комплекси ишлаб чикилиш ва уни қарор билан тасдиқланиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида касбий захарланиш ва касб касаликлари олдини олиш учун керакли қонуният ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек касб касалликлари вужудга келганда уларни ҳисобга олиш ва текшириш ишлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкилотларига топширилган касбий захарланиш ва касб касаллиги ҳақидаги акт қорхона раҳбари юборилади. Ақтда бундай касаллиқларнинг қайтарилмаслигини таъминловчи чора-тадбирлар комплекси тавсия етилади ва унинг бошқа нусхаси Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг юкори ташкилотларига юборилади.

Бахтсиз ходисага учраган кишини ҳисобга олиниб, унга маълум даволаниш қурси белгиланади. Агар зарур бўлса касб касалигига учраган кишини меҳнат эксперт врачлар комиссияси (ВТЕК)га юборилади ва унда унинг касб касаллигининг оқибати натижасида ногиронлик грuhi аниқланади ва шунга яраша маълум моддий таъминланиш миқдори белгиланади.

Саноат қорхоналарида бахтсиз ходисаларни ва бахтсиз ходисаларни келтириб чиқарувчи хавфли ҳолатларни ва бахтсиз ходисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни аниқлаш уларни ё'қотиш чора-тадбирларини кўришга қаратилган. Бу ишлар асосан оқилона иш усулларини қўллаш, бахтсиз ходиса ва касб касаллиқларининг келиб чиқишидан холи бўладиган иш шароитини ташкил қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Бахтсиз ходисалар сабабларини аниқлаш учун асосан икки усулдан фойдаланилади.

1. Статистика усули. Бу усул бахтсиз ходисаларнинг умумий статистик ҳисобга олинган саноат жароҳатланишнинг материалларини тахлил қилишга асосланган. Бу усул саноат жароҳатланиши тахлил қилиш учун асосий

материал бўлишдан ташкари, бахтсиз ходисаларни камайтириш учун чоратадбирлар кўриш учун амалий маълумот беради. Бу усул билан саноат жароҳатланишини аникловчи частота коэффисиенти ва жароҳатнинг огирлиги коэффисиентининг ўртача кўрсаткичини олиш имкониятини беради.

Статистика усулини иккига бўлиб караш кабул килинган:булар группа усули ва топография усулидир.

Группа усули. Статистик усулнинг таркибий кисми хисобланади ва бахтсиз ходисаларнинг юир хил шароитларда ва айрим белгилари билан(масалан вакти ва содир бўлган жойи, бахтсиз ходисанинг хусусиятини ва Х. К.)группаланган холда, такрорланишини аниклаш имкониятини беради.

Топографик усул. Бу усул хам группа усулининг кўринишларидан бири бўлиб, куйидаги холларда кўлланилади:группа усулида келтирилган бахтсиз ходисалар хакидаги маълумотларни хар хил шартли белгилар билан белгилаб (масалан, (Н-И), иш учаскаларининг планида бахтсиз ходиса юз берган жойларга кўйил чикилади. Бу усулда маълум иш участкаларида бахтсиз ходисаларнинг такрорланиши хакида кўргазмали маълумот олинади.

Хар кандай статик текшириш каби, бу усул билан бахтсиз ходисаларни тахлил килиш хам олинган материални, асосан бахтсиз ходиса хакида тузилган Н-И формадаги актни хар томонлама ўрганилади. Акт бўйича бахтсиз ходисага юз берган жой, жароҳатланиш характери, огирлилик даражаси, сутканинг кайси вактида юз берганлиги хакидаги маълумотлар бўйича таксимланиш белгилари аникланади.

Статистик усулда аникланишича асосий бахтсиз ходисалар кечки сменада ва ишчиларнинг иш стажи кам бўлганларига, 50 просент атрофида бахтсиз ходисалар тўгри келади.

Буларни хисобга олиб, бахтсиз ходисаларнинг камайтиришнинг амалий тадбирларини кўриш имкониятини тугилади.

2. Монография усули. Бу усулнинг мохияти, бахтсиз ходиса юз берган айрим сех, участка ёки ишлаб чикариш хонасини чукур ва хар томонлама ўрганиш асосида олиб борилади. Асосий диқкат ётибор технологик

жараёнларнинг чекланиши, айрим операсиялар ишлаб чиқаришнинг хавфли лахзалари ва санитар-гигиеник меҳнат шароитига қаратилиши керак. Ушбу корхоналарда рўй берган бахтсиз ҳодисалар, авариялар ва касб касалликларнинг сабаблари аниқланади ва ўрганилади.

Худди шундай таҳлиллар турдош корхоналар бўйича ҳам ўтказилади.

